"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Янгиҳаёт ХТБ мудири

__________ Ш.И.Таджиев

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
II. Техник қисм
III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Янгиҳаёт туман ХТБга қарашли 304-сонли умумтаълим мактабига Янгиҳаёт тумани ҳудудида жамоатчилик фикри асосида 2022 йил фукаролар ташаббуси жамғармаси (OPENBUDGET) ҳисобидан моддий техника базасини ривожлантириш учун асосий воситалар харид қилиш.

1.2. Танловнинг юқори қиймати 105 000 000 (бир юз беш миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Танов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб, тасдиқланган ҳолда ПДФ ҳолатда тақдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси :
-фақат битта таклиф бериши мумкин;
-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааллуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин;

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгилнган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни(ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

"Тасдиқлайман"
Янгиҳаёт ХТБ мудири
Ш.И.Таджиев
"___" ____________ 2022й.

**Энг яхши таклифни танлаш буйича**
**харид қилиш хужжатлари**

(Янгиҳаёт туманидаги 304-сонли умумтаълим мактабининг моддий техник базасини яхшилаш мақсадида ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра ғолиб бўлган лойиҳани амалга ошириш бўйича харид қилинадиган товарлар)

| | |
|---|---|
| **1. Танлов ўтказиш услуби** | Балл услуби (Энг яхши таклиф танлови учун) иштирокчилар томонидан электрон тарзда https://etender, uzex.uz/ портали орқали тақдим қилинган хужжатларнинг техник ва нарх қисмлари комиссия аъзолари томонидан сифат ва ишончлилиги ўрганилиб баҳоланади, энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб бўлади. |
| **2. Иштирокчилар томонидан таклифларни тақдим этиш муддати** | Ушбу эълон порталга жойлаштирилган кундан бошланиб, порталда тугаши белгиланган сана ва вақтгача |
| **3. Танлов ҳужжатларини тайёрлаш тили** | Ўзбек ва рус тилларида |
| **4. Боғланиш учун алоқа маълумотлари** | Янгиҳаёт тумани халқ таълими бўлими мудири – Ш.Таджиев +998995198484 |
| **5. Буюртмачи манзили** | Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани Ташаббус МФЙ 5А 2-қурулиш |

## Танлов иштирокчиларига асосий талаблар

| Т/р | Талаб номи | Тасдиқловчи хужжат | Максимал балл |
|---|---|---|---|
| 1 | Таклиф қилинаётган махсулотлар кафолат муддати 12 ойдан кам бўмаслиги ва сервис кўрсатиш марказлари мавжудлиги | Таклиф қилинаётган маҳсулотларинг кафолат муддати 12 ойдан кам бўмаслиги ва сервис кўрсатиш марказлари мавжудлиги | 20 |
| 2 | Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича карздорлик йўқлиги ва Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги | Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги ва Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар хақида қайднинг мавжуд эмаслиги | 20 |
| 3 | Етказиб берувчининг камида 3 йиллик иш тажрибасига эгалиги | Етказиб берувчининг камида 3 йиллик иш тажрибасига эгалиги | 20 |
| 4 | Махсулот етказиб бериш бўйича хақиқий тажриба ва тўлдирилган техник муофиқлик жадвали | Махсулот етказиб бериш бўйича хақиқий тажриба ва тўлдирилган техник мувофиқлик жадвали | 20 |
| 5 | Ишлаб чиқарувчидан ёки расмий ҳамкордан сертификат мавжудлиги | Ишлаб чиқарувчидан ёки расмий ҳамкордан сертификат мавжудлиги | 20 |

**Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.**

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда etender.uzex.uz порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

**Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.**

Иштирокчилар қўйилган талаблар учун тақдим қилинган ҳужжатларига, яъни техник қисмнинг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 70 балл ва нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 30 балл. Умумий 100 балл тўплашлари мумкин.

**Эслатма:** Техник қисмдаги талабларни бирортасидан 0 балл олган иштирокчилар танловдан четлатилади.

**Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби.**

Ғолиб билан ҳисоб-китоб миллий валюта(сўм)да амалга оширилади. Танлов ғолибига 30% миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан) олдиндан тўлов ўтказиб берилади. Қолган маблағ ғолиб ташкилот томонидан шартнома бўйича харид ишлари тугаллангандан сўнг бажарилган ишлар ҳисоб-фактура ва далолатномалари буюртмачига тақдим этилгандан сўнг ўтказиб берилади.